

ХАЛҚАРО ҲАЁТ



ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

АМЕРИКА Қўшма Штатлари президенти Жорж Буш ўтган пайшанба кuni кечкурун Москва шаҳрига расмий ташриф буюрди. Унинг самолёти Россия пойтахтининг «Внуково-2» аэропортига келиб кўнди. АҚШ давлат бошлиғини кутиб олиш учун аэропортида Россия ҳукумати аъзолари, Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари ҳамда Россия Бош вазири ўринбосари Алексей Кудрин ҳозир бўдилар. Жума кuni эрталаб Америка президенти Жорж Буш Новинск хиббонидаги АҚШ элчихонасини бориб кўргач, делегациянинг бошқа аъзолари ҳамроҳлигида Москвага қилган ташрифнинг расмий қисмини Александр боғидаги номасълум аскар қабри ёнида ёқилган Мангу олов пойга гулдасталар кўйиш билан бошлади.

Шундан сўнг Президент Кремлга йўл олди. У ерда аввал тор доирада, сўнгра кенг доирада Россия президенти Владимир Путин билан музокаралар бўлиб ўтди. Музокаралар натижаси ўлароқ, тегшиш ҳужжатлар имзоланди, сўнгра АҚШ ва Россия президенти кўшма матбуот конференцияси ўтказдилар. Москва билан Вашингтоннинг ушбу яқинлашувида 11 сентябрь воқеалари, аниқроғи, ўша воқеаларга Россия раҳбариятининг эътибори асосий рол ўйнади. Ҳозирги пайтда Россия билан НАТО ўзаро кўшма маслаҳат тизими барпо этишга киришган, бу эса Фарбинг Москва ва ишонч ўсиб бораётганидан далолат беради. Россиянинг демократик қадриятларга эришишга интилишига бугунги кунда ҳеч нарса, баъзи бир сиёсатчиларнинг Саддам Хусайн билан дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга интилишлари-ю, Эрон билан ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари ҳам, НАТОнинг Югославияда қуролли (ҳарбий) можароларни бошлаганилиги учун юзага келган хафтарчилик ҳам тўсиқ бўла олмайди.

Кремнинг Андреевск залида стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш тўғрисидаги янги Россия — Америка шартномасини тантанали имзолаш маросими бўлиб ўтди. Янги ҳужжат «Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш (камайтириш) тўғрисидаги битим» (СХК) деб аталди. Америка делегацияси уни «Москва шартномаси» деб атади. Бундан ташқари бир қатор бошқа битимлар ҳам, жумладан АҚШ ва Россиянинг стратегик шериклиги тўғрисидаги хартия, халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисидаги кўшма баёнот ҳам имзоланди.

Битимларни Россия президенти Владимир Путин ҳамда АҚШ президенти Жорж Буш имзоладилар. Илгаридан тайёрлаб кўйилган ҳужжатни имзолашдан аввал президентлар жуда кўп мавзунда бўйича икки соатдан кўпроқ вақт давомида музокара ўтказдилар. Суҳбатда Россия хавфсизлик кенгаши котиби Владимир Рушайло ва Жорж Бушининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Кондолиза Райс иштирок этдилар.

Москвадаги саммит олдидан матбуот ходимлари учун берилган баёнотта биноан 2012 йилнинг 31 декабрида ҳар бир мамлакатда ядро қуроллари сони 1700-2200 наодан ошмаслиги керак. Янги шартномадаги асосий талаб мана шундан иборат. Унда айтилишича, «ҳар бир мамлакат ядро қуролларининг белгилаб кўйилган умумий миқдорига риоя қилган ҳолда ўзининг стратегик ҳужум қуроллари таркиби ва тузилишини ўзи белгилайди».

Аmmo барибир, СХК тўғрисидаги шартнома имзоланганига қарамай, музокараларга тайёргарлик кўрилатган пайтда юзага келган муаммо, яъни армиядаги камайтирилиши лозим бўлган ядровий қурол-яроғлар қандай йўл билан йўқ қилиниши масаласи ҳал этилмай қолди.

Яна бир муҳим фактни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳар икки томон мавжуд ихтилофларни очикчасига ҳал этишни келиши олдлар ва бу ҳол вужудга келаётган ҳамкорликка заррача халал бермайди.

СУД ДАВОМ ЭТАДИ

БУГУН Россиянинг Шимолий Кавказ ҳарбий округи суди полковник Юрий Будановнинг жиноий ишhini кўриб чиқишни давом эттиради. Жабрланувчиларнинг янги адвокати Станислав Маркелов суддан материаллар билан танишиб чиқиши учун иш кўрилишини тўхташиб туришни сўрагач, унинг илтимоси қондирилган эди. 17 майдаги мажлисда суд Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги суд-тиббий экспертиза маркази экспертлари ўтказган суд-тиббий экспертизаси хулосасини ўрганишни тугатган.

Эслатиб ўтамай, Ю.Буданов 2000 йил 27 март кuni Танги-Чу қишлоғида Эльза Кунгаева деган чечен қизини ўлдирганликда айбланмоқда.

БУТУНЖАҲОН МАТБУОТ КОНГРЕССИ

АЛБАНИЯДАН тортиб Зимбабвегага бўлган 79 мамлакатда чоп этилувчи катта-кичик газеталарнинг 900 га яқин вакиллари 55-бутунжаҳон матбуот конгрессида иштирок этиш учун Бельгиянинг Брюгге шаҳрига йиғилдилар.

Конгрессда муҳокама қилинувчи асосий мавзу тобора камайиб бораётган газеталар сотувини кўтариш масаласидир. «Ҳозир деярли бутун дунёда газеталар учун қийин давр кечмоқда», — дейди Газеталарнинг бутунжаҳон ассоциацияси бош директори, конгресс ташкilotчиси Тимоти Балдинг.

Душанба кuni конгресснинг очилиш маросимида Зимбабведа чиқадиган Daily News газетаси муҳаррири Жоффуа Ниаротога «Матбуот эркинлигининг олтин қалами — 2002» мукофоти топширилди.



МЕРОС — 200 МЛН.

ШВЕЙЦАРИЯЛИК 49 яшар миллионер сешанба кuni кечкурун ўзининг Альхаури де ля Торре шаҳарчасидаги ҳовлисида ўз жонига қасд қилган. Қорнига тикилган шарқ ханжари у ўзини японларнинг ҳаракхури усули билан ҳалок этганлигидан дарак беради.

У альпинистлик жиҳозлари ишлаб чиқарувчи кичикроқ Everest компаниясига раҳбарлик қилар эди.

Альхаури де ля Торре шаҳри денгиз соҳилидан саккиз километр узокликда бўлиб, курортлари ва аҳолисининг бойлиги билан машхур.

Le Opinion de Malaga газетасига интервью берган қариндошларининг айтишича, охири пайтларда марҳум тушкунликка тушиб, ёлғиз юришни одат қилган.

Ундан яқинларига қолган мерос 200 млн. фунт-стерлингни ташкил этади.

САМОЛЁТ БОРТИДА ПОРТЛАШ

ХИТОЙНИНГ China Airlines авиакомпаниясига қарашли Boeing - 747-200 самолётининг ҳалокати сабабларини ўрганаётган мутахассислар, самолёт бортида портлаш юз берган деган фикрга келишди. Фақат шундай бўлсагина 10500 метр балангликка кўтарилган самолёт қўққисдан кулаб тушиши мумкин. Учувчилар ҳатто ҳалокат ҳақида хабар беришга ҳам улгуришмаган. Ҳарбий радарлардан бири самолёт тўрт бўлакка бўлиниб кетганини аниқ қайд этган. Бу Boeing Тайпейдаги халқаро аэропортдан ҳавога кўтарилгач, 20 дақиқадан сўнг рўй берган. Самолёт бортида 225 нафар йўловчи бор эди.

Тайпей кутқарув-қидирув хизмати ходимлари ҳозиргача денгиздан 80 кишининг жасадини чиқариб олди. Улардан 22 нафарининг шахси аниқланган.

КУН ТАРТИБИДА ЁДГОРЛИКЛАР МАСАЛАСИ

ДУШАНБА кuni Кобулда Афғонистондаги тарихий ёдгорликларни сақлаб қолиш масаласига бағишланган халқаро конференция иш бошлади.

Афғонистон маданият вазирлиги билан ҳамкорликда ЮНЕСКО ташкиллаштирган мазкур анжуманда қатнашиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан экспертлар келишган. Улар инқироз ҳолатидаги обидаларни сақлаб қолишга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатларни мувофиқлаштиришди.

Шунингдек, анжуманда ўтган йили толиблар вайрон қилган Бомбёндаги Будда ҳайкалинини тиклаш имконияти ҳам кўриб чиқиши кутилмоқда.

ЖАК ШИРАКНИНГ ЭЪТИРОФИ

ФРАНЦИЯ президенти Жак Ширак АҚШ президентининг Россияга қилган расмий ташрифи давомида вужудга келган «АҚШ ва Россия ўртасидаги муносабатларнинг янги чараққитини» қўллаб-қувватлайди. Яқинда кuni кечкурун АҚШ президенти билан биргаликда ўтказилган матбуот конференциясида Франция давлати бошлиғи шундай баёнот берди.

«Биз меҳмон билан стратегик масалаларни, шу жумладан Россия ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар ривожини муҳокама қилдик», — деди Франция президенти.

Унинг айтишича, «Россия жуда катта мамлакатдир, АҚШ билан Россия ўртасидаги муносабатлар бутун дунё учун муҳим аҳамият касб этади». «Икки кундан кейин, — таъкидлади Ширак, — Италия пойтахтида бўлиб ўтадиган НАТО — Россия саммитида биз Шимолий Атлантика альянсага аъзо мамлакатлар билан Россия ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусида конкрет таклифлар билдириш имконига эга бўламиз».

Кремлда Владимир Путин билан Жорж Буш томонидан имзоланган «Стратегик ҳужум қуролларини камайтириш тўғрисидаги шартнома»ни ва ҳар иккала давлат ўртасидаги янги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги декларацияни Жак Ширак «жуда муҳим ва фойдали ҳужжатлар» деб атади.

«Биз президент Буш билан бирга НАТО ва Россия ўртасидаги муносабатларни янада конкретлаштириш ниятидамиз, сизлар Франциянинг Россия ва НАТО ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга йўналтирилган ўзгармас нуқтаи назарини яхши биласизлар», — таъкидлади Жак Ширак.


ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БАЁНОТИ

ИСРОИЛ Ташқи ишлар вазири Биньямин Бен Элизернинг баёнот беришчи фаластинлик жангарилар мамлакат ҳудудида террорчилик ҳаракатлари содир этишга уринаётганликларига қарамай, Исроил Фаластинга қарши «химоя девори» сингари кенг қўламли ҳарбий операциялар ўтказмоқчи эмас.

Бу ҳақда The Jerusalem Post газетаси хабар беради. Вазирнинг фикрига кўра, терактлар тўғрисида таҳдиллар кўп бора тилга олинаётганига қарамай, мамлакат учун реал хавф илгарига нисбатан анча камайган.



● КРОССВОРД



Энига: 1. Пардоз ашёси. 3. Рўзгор анжоми. 5. Сув кундузи. 7. Буйруқнинг ибтидоси. 9. Катта базм. 11. Думбанинг ўзи. 15. Қадимги Римда арифметик амалларни ечишда ишлатилган ҳисоб тахтакачи. 18. Юпитер сайёрасининг йўлдоши. 19. Чорва молларининг тўдаси. 20. Қурилиш материалли. 21. Ёмонотлик. 23. Араб алифбосидаги ҳарф. 25. Ариқ тозалаш вақтида унинг ичидан олинган лойка. 28. Кофенинг шарқона номи. 31. Келинчакнинг қадимги номи. 32. Қадимжоларда ўсган дарактларга осиладиган ҳар хил латталар. 34. Куч, қувват, мадор. 35. Хотинларга таққосланадиган чилангарлик асбоби. 36. «Кўёнча» лақабини олган автоулов. 39. Лашкарбоши, ҳоким, бек. 41. Вазирнинг ибтидоси. 42. Россиядаги шаҳар. 44. Махсус қазилган чуқурлик. 46. Ошхонадаги шаҳар. 48. Зирваро ўсимлик. 49. Тўрт халифанинг бири. 50. Бирмадаги энг катта дарё. 52. Нуқсон, камчилик. 55. Осиёдаги давлат. 57. Ун икки буржнинг бири. 58. Давлат автомобиль назорати. 60. Узиюрар деган маънони аналтувчи сўз. 61. Уруғи топилмас куч. 62. Мол оёқларининг сўяги.

Бўйига: 1. Мўғул чорвадори. 2. Қадимги Мисрда кўёш худоси. 3. Ангизли ерда от ўлмас, ийрли ерда ... ўлмас. (мақол). 4. Ҳам ичим-

лик, ҳам ярим орол. 6. Яқин қариндош аёл. 8. Доннинг қушандаси. 10. Маросим. 11. Газетадаги рекламанинг қирқиб олинадиган қисми. 12. Инерт газ. 13. Гавайи оролларидаги энг каттаси. 14. Сомсанинг қиймани ўраб турган қисми. 16. Фасл. 17. Оч яшил. 22. Синтаксиснинг қадимги номи. 24. Қадимий солиқ турларидан бири. 26. Иккитанинг ўртаси. 27. Гуноҳни ювиш ёки офатни даф этиш ниятида ажратилган пул. 28. Ер ютган афсонавий бахил давлатманд. 29. Самолёт, вертолёт турадиган ва ремонт қилинадиган махсус бино. 30. Ер бағирлаб ўсадиган жануб ўсимлиги ва унинг қовунга ўхшаш чўзинчоқ майда меваси. 31. Расмий ҳужжат. 33. Инглиз романтик шоири. 37. «Билан»нинг шоирона талқини. 38. Эркаклар исми. 40. 1917 йили биринчи марта заҳарловчи модда қўлланилган Бельгиядаги шаҳар. 42. Энг қадимги қурол. 43. Чора, тадбир, йўл. 44. 12-16 ёшдаги болалар. 45. Сут маҳсулотли. 46. Ширинлик. 47. Ярим. 51. «Чапаев» фильмидаги пулемётчи аёл. 53. Яқинлик, дўстлик. 54. Ёғочи қаттиқ, серсоя дарахт. 55. Ойни ёпиб бўлмайдиган мато. 56. Ўзи йўқ, аммо уни индиладар. 58. Муслика нотаси. 59. «Нефтчи» жамоаси ўйинчиси.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

● ЖЧ-2002

Индинга бошланмак жаҳон чемпионати, қайси терма жамоага муҳлислик қилишдан қатъи назар, миллионлаб футбол ишқибозлари учун хақиқий байрамга айланиб кетиши шубҳасиз. Негаки, дунёдаги бошқа ҳеч қайси турнирда жаҳон чемпионатидаги чалик кўп футбол юлдузлари катнашмайди. Бу пайтда уларнинг санаб саногига етиш қийин: Зидан, Фигу, Роналдо, Рауль, Чилверт... Булар донги дунёга дostonлар. Майдонга тушмаса-да, чор-атрофдан йғилиб келиб муҳлисларнинг меҳрини қондирадиган Беккенбауэр, Платини, Марадона, Пеле, Милутинович сингари ўтмиш даҳолари, ўйинлар мобайнида кашф этилажак янги юлдузларни айтмайсизми.

Шу кунгача ким чемпион бўлади деган савол кўпчиликини ўйлатиб келди. Азишлар, нима қиласиз ўзингизни қийнаб? Учинчи минг йиллик бошланмай туриб, ўтган асрнинг охирида футбол оламида Франциянинг олтин даври бошланганини наҳотки унутдингиз? Албатта, бу менинг шахсий фикрим. Агар хато қилаётган бўлсам, бу Италия ёки Аргентина ҳисобига бўлишини хоҳлар эдим.

Ғолиблар ўз йўлига, чемпионатдан сўнг маглублар кўп муҳокама қилинади десам ишонаверинг. Эҳ-хе, муҳлислар нималар



дейишмайди. Биттасининг айтишича, яқинда бўлиб ўтган ўртоқлик учрашувида севимли жамоасининг маглубиятига... Футбол тўпи сабабчи эмис. Қулиб қўя қолган эдим, халқаро миқёсда бу борада белгийликлар биринчи бўлиб бонг уришди. Корея ва Японияда ўтказилажак жаҳон чемпионатининг расмий тўпи сифатида тан олинган дунёга машҳур «Адидас» фирма-



АГАР ХАТО ҚИЛСАМ...

сининг Fevernova тўпи хусусида Бельгия терма жамоаси мураббийларидан бири Жеки Мунарон шундай фикр билдиради: «Бу тўп жуда энгил. Кўплаб футболчилар у билан ўйнашга ўргана олишмапти».

Франция — Бельгия ўртоқлик учрашувида қизик воқеа рўй берди. Марк Вильмотс узокдан зарба беради, французларнинг дарвозабони Ульриш Раге тўп дарвоза устидан ўтиб кетишига ишончи қонил эди. Фақат сўнги лаҳзада гол бўлишини ҳис этиб, тўпни уриб юборишга улғуриб қолди. «Бу ҳаммаси тўп йўналишини олдиндан билиб бўлмаслиғидир», — дейди Мунарон.

Саралаш турнирида россияликларга



қарши тўп сурган словениялик Златко Заховичнинг муносабати ҳам салбий: «Бу қачонлардир мен ўйнаган тўплар орасидаги энг ёмонидир. У худди пуфакдай учади». Туркия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Абдулла Эржоннинг фикрлари шунга монанд: «Тўп ҳақиқатан ёмон. Уни хоҳлаган томонингга йўналтира олмайсан». «Адидас» маҳсулотига ҳақида инглиз Дэвид Бекхэмнинг эса фикри ижобий: «Бу тўп билан 1998 йилги чемпионатнинг расмий тўпи Tricoloreга нисбатан узок масофага 25 фоиз аникроқ ва 10 фоиз тезроқ пас бериш мумкин».

Нима ҳам дейиш мумкин? Эскидан қолган гап бор: тўп юмалок, майдон текис. Ким нимага қодирлигини яқинда билиб оламиз.

Ҳасан НИШОНОВ

● ТАБҚИК

БЕЗОРИЛАР МАМЛАКАТГА КИРИТИЛМАЙДИ

Япон муҳожирлик хизмати мамлакатга ташриф буюрган дастлабки инглиз футбол фанатларини қўлга олди. Расмий хабарларга кўра буюк британиялик икки фуқаро Токио аэропортида ушланган. Сабаби, уларнинг номи инглиз муҳожирлик хизмати томонидан тўзилган 200 безори рўйхатида киритилган эди.

● КАХ-КАХ

— Кеча кўчада сизга йўлтўсарлар ҳужум қилишдимми?
— Ҳа, соатимни ҳам, ҳамёнимни ҳам олиб қўйишди.
— Шикоятингизда ёзилишича, сизда доимо ўқланган қурол бўларкан.
— Ҳа, бор эди, яхшиям бахтимга уни топишолмади, аблаҳлар.

— Айбдор, сиз ўзингизни оқлаш учун яна нималарни қўшимча қила оласиз?
— Сизлардан илтимос, оқловчимнинг ёшлигини инобатга олсангизлар.

Суд мажлисида судья сўради:
— Айбдор, айтинг-чи, сиз банкка хозиргина мен тасвирлаб бергандек бостириб кирдингизми?
— Йўқ, жаноб судья, деди — айбдор, — аммо сизнинг усулингиз ҳам чакки эмас экан.

● ХОДИСА

ҲАЛОКАТ САБАБЧИСИ — БЕГЕМОТ

Ўтган шанба кунги Малавида балиқчилар қайғига баҳайбат бегемотнинг ҳужум қилиши натижасида 11 киши ҳалок бўлди. Маълум бўлишича, қўшни оролдан балиқ харид қилиб қайтаётган 15 нафар йўловчининг аксарияти аёллар ва ёш болалар бўлган. Ҳалокат содир бўлган жойдан энг яқин оролгача бўлган масофа эса уч километр эди. Табиийки, аёллар ва болаларнинг бу масофани босиб ўтишга мадорлари етмасдан, сувга фарқ бўлишган. Воқеа содир бўлган жой Малави миллий парки ҳудудига қарашли эканлиги аниқланган.

● КИНОПРОФИ

ЭНГ ЯХШИ СЕРИАЛ

Яқиндагина ниҳоясига етган «Виват, кино Россия!» X кинофестивалида иштирок этган 25 та сериал орасидан «Қақшатқич куч» («Убойная сила») фильми «энг яхши» деб тан олинди ва фестивалнинг бош совринига сазовор бўлди. Телесериалдаги энг яхши актёр деб Юрий Степанов, энг яхши актриса деб эса Елена Яковлева эътироф этилди. 2000-2001 йилларда яратилган энг яхши телесериални аниқлаб бериш мақсадида ушбу фестивалда илк бор қўлланилган «Халқ рейтингини» номинациясида иштирок этган 7 мингдан ортқ иштирокчи «Қақшатқич куч» учун овоз берган.

ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СЕНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 5. Нанайил. 7. Дурда. 9. Шокбежан. 13. Ладан. 14. Кушан. 15. Катод. 17. Ява. 18. Зукко. 20. Бородин. 22. Аркашон. 25. Жума. 26. Ужар. 29. Буфет. 31. Варна. 33. Муқаймоқ. 37. Болари. 38. Кировка. 39. Жаннат. 40. Ишқовллоҳ. 43. Сутка. 44. Илья. 46. Фўта. 47. Урма. 54. Пураҳит. 56. Наросат. 59. Ишрат. 60. Қум. 61. Қумар. 62. Ватик. 63. Ишқал. 64. Рухulloҳ. 65. «Сароб» 66. Анжонда.

Бўйига: 1. Кайтарма. 2. Гандбол. 3. Форшмак. 4. Харажир. 6. Йўлдош. 8. Раввин. 10. Бензол. 11. Янги. 12. Икар. 16. Об. 19. Ун. 21. Нимоз. 22. Анжом. 23. Буқаламун. 24. Чебурашка. 27. Баркарела. 28. Ангоновка. 30. Санобар. 32. Кубба. 34. Улкан. 35. Огайо. 36. Метро. 41. Шотут. 42. Лусоя. 45. Подшокуш. 48. Ҳўжазода. 49. Кутвол. 50. Пантеон. 51. Маузур. 52. Тошкент. 53. Каллик. 54. Па. 55. «Ирна». 57. Адип. 58. Ту.